



**Узлуксиз таълим жараёнида фаолият кўрсатиш тамойиллари,  
мезонлари, интеграция ва узвийликни таъминлаш масалалари**

*Тошкент тиббиёт академияси*

*педагогика фанлари номзоди, доцент:*

***Худоёрова Ойсоат Келдиёровна***

*Тиббий профилактика ва жамоат саломатлиги, экология атроф*

*муҳит муҳофазаси ва кимё факультети*

***Сайитмуратов Нодиржон Боймурот ўғли***

*402-А гурӯҳ талабаси*

***Ўроқбекова Моҳина Шерзодбек қизи***

*“Педиатрия” факультети 104-Б гурӯҳ талабаси*

**Аннотация:** узлуксиз таълим жараёнида ижтиёдий фаол, ижодкор ва маънавий етук шахсларни тарбиялашда уларга фундаментал билимларни берининг имкониятлари, шароитлари аниқланган. Шунингдек, таълим жараёнида самарали натижаларга эришиши учун асосий тамойиллар, мезонлар, интеграция ва узвийликни таъминлашга доир илмий-амалий тавсиялар берилган.

**Аннотация:** в процессе непрерывного образования выявляются возможности и условия предоставления фундаментальных знаний социально активным, творческим и духовно зрелым людям. Также даются научные и практические рекомендации по основным принципам, критериям интеграции и преемственности для достижения эффективных результатов в образовательном процессе.

**Annotation:** in the process of continuing education, the opportunities and conditions for providing fundamental knowledge to socially active, creative and spiritually mature individuals are identified. It also provides scientific and practical



*recommendations on the basic principles, criteria, integration and continuity to achieve effective results in the educational process.*

**Калим сўзлар:** жамият, давлат, узлуксиз таълим, миллий тараққиёт, тамойиллар, мезонлар, интеграция, узвийлик, боғлиқлик, тизимлилик, лойиҳалаш, барқарорлик, замонавийлик, инновация, юксалиши.

**Ключевые слова:** общество, государство, непрерывное образование, национальное развитие, принципы, критерии, интеграция, членство, взаимозависимость, системность, дизайн, устойчивость, современность, инновации, взбирааться.

**Keywords:** society, state, continuing education, national development, principles, criteria, integration, membership, interdependence, systemicity, design, sustainability, modernity, innovation, growth.

Маълумки, таълимнинг миллий модели узлуксиз таълим, шахс, жамият ва давлатнинг демократик йўналишда барқарор ривожланиши, ижтимоий иқтисодий тараққиётини таъминловчи ҳамда илмий техникавий ва маданий эҳтиёжларини қондирувчи устувор соҳа сифатида намоён бўлади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, “Демократик ислоҳотларни чукурлаштириш, барқарор ривожланишни таъминлаш–халқимизучун муносаб ҳаёт даражасини яратишнинг кафолатидир”<sup>1</sup>.

Узлуксиз таълим “Таълим тўғрисида”ги Қонунни амалга оширишга қаратилган ҳолда инсон ва жамиятнинг турли таълимий эҳтиёжларини таъминлаб, ижодкор, ижтимоий фаол, маънавий бой шахсларни шакллантиради ва уларга фундаментал билимларни эгаллаши учун кенг имкониятлар, зарур шарт-шароитларни яратади.

1. <sup>1</sup>Ш.М.Мирзиёев “Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз”. 1-жилд,-Т.: “Ўзбекистон” -2017. 16 бет.



Узлуксиз таълим жараёнида фаолият кўрсатиш тамойиллари, мезонлари, интеграция ва узвийликни таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Бу эса ўз ўрнида объектив борлиқдаги қонуниятларнинг ўзаро боғлиқлиги ва кашфиёт даражасини кучайтиради ҳамда ёшлар дунёқарашини мустаҳкамлашга асос бўлади. Айниқса, фанлараро боғлиқлик борлиқнинг моддий бирлиги ҳакидаги фалсафий ғояларга алоқадорликда дунёни билиш, табиат ва жамиятдаги ҳодисаларнинг ўзаро боғланганлиги ва тараққиётини тарғиб этади. Ўқув фанларини ўзлаштиришда билимлар бевосита бир-бирига боғланса, улар ўртасидаги алоқадорлик онгли англаб етилса, эгалланган билим пухта ва мустаҳкам билимга айланади. Шунга эътибор бериш керакки, инсон тафаккурини ўстиришнинг асосий воситаси билимларни мантиқан изчил, узвий ва мукаммал ўзлаштиришдадир. Ҳар жихатдан етук инсонни тарбиялашда фанлараро алоқалар, ўқитиш, кўрсатиш, боғлаш ва ўрганишнинг таъсири кучлидир. Бунда фан асосларини эгаллаш, билим, кўникма, малакаларни ривожлантириш, ақл ва муомала тарзини кучайтириш, ҳаётий билимларни бойитишга эришилади. Демак, билимларнинг мукаммаллигини уларнинг тизимлаштирилганлиги ва ўзаро боғланганлигига кўриш мумкин.

Узлуксиз таълим жараёнлари ягона барқарор таълим тизими сифатида шаклланган бўлиб, у таълим жараёнлари ва ҳодисаларини ўрганишга тизимли ёндашади. Бу эса ўрганилаётган объектив таркибий элементларнинг ички алоқадорлигини ҳамда унинг бошқа ижтимоий иқтисодий ҳодиса ва жараёнлар билан ўзаро боғланишларини белгилайди. Узлуксиз таълимнинг ўзига хос фазилати шундаки, у барча таълим турлари орасидаги ўзаро алоқадорлик, боғлиқлик, изчиликтини ўрнатади ва ўқув материаллари ўртасида узвийликни таъминлайди ҳамда муайян мантиқий кетма-кетлик, фанлараро узвийлик, изчиликтини илмий методик жихатдан асослайди. Узлуксиз таълим тизимида таълимнинг юқори сифатини фақатгина юқори педагогик касбий маҳоратга эга шахсларгина таъминлай оладилар. Бугунги глобаллашув даврида



замонавийлик, компетентлилик, инсонпарварлик, коммуникативлик, касбий мустақиллик, ишчанлик, барқарорлик, ўз ишига ижодий ёндашиш, педагогик техника ва технологиялардан оқилона фойдаланиш, таълим жараёнининг муваффақиятини таъминлайди.

**“Биз ўз олдимиизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуғ мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улуғбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимииз керак.** Бунда, аввало, таълим ва тарбияни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, илм-фан ва инновацияларни тараққий эттириш миллий ғоямизнинг асосий устунлари бўлиб хизмат қилиши лозим. Ушбу мақсад йўлида ёшлирамиз ўз олдига катта марраларни қўйиб, уларга эришишлари учун кенг имкониятлар яратиш ва ҳар томонлама кўмак бериш – барчамиз учун энг устувор вазифа бўлиши зарур. Шундагина фарзандларимиз халқимизнинг асрий орзу-умидларини рўёбга чиқарадиган буюк ва қудратли кучга айланади”<sup>2</sup>.

Узлуксиз таълимнинг фаолият кўрсатиш тамойилларида: **таълимнинг устуворлиги** – унинг ривожланишига кўра, билим, таълим ва юксак интеллектнинг нуфузи билан белгиланади. **Таълимнинг демократлашувига** тарбия услубларини танлаш мустақиллигида намоён бўлади. **Таълимнинг инсонпарварлашувига** – инсон кобилиятлари ва эҳтиёжлари, миллий ва умумбашарий қадриятлар устуворлигининг таъминланиши, инсон, жамият ва атрофмуҳит ўзаро муносабатларининг уйғунлашувини акс эттиради. **Таълимнинг ижтимоийлашувига** – таълимолувчиларда эстетик бой дунёқарашни ҳосил қилиш, уларда юксак маънавият, маданият ва ижодий фикрлашни шакллантириш масалаларини амалга оширади. **Таълимнинг**

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Халқ сўзи 2020 йил 30 декабрь.



миллий йўналтирилганлиги – миллий тарих, халқ анъаналари а урф одатлари билан таълимнингузвий уйғунлиги, Ўзбекистон халқларининг маданиятини сақлаб қолиш ва бойитиш, таълимни миллий тараққиётнинг ўта муҳим омили сифатида эътироф этиш, бошқа халқларнинг тарихи ва маданиятини ҳурмат қилишга эътибор берилади. **Таълим ва тарбиянинг узвий боғликлиги тамоили эса–ҳар томонлама камол топган инсонни шакллантиришга йўналтирилганлиги, иқтидорли ёшларни аниқлаш, уларга таълимнинг энг юқори даражасида маҳсус билим олишлари учун шарт-шароитларни яратишга эътибор қаратади.** Шунингдек, таълим жараёнини лойиҳалашда рефлексивлик, натижавийлик, қўп омиллилик, таълим жараёнида табиий ривожланиш ва ижтимоийлашув тамоилларини ҳисобга олиш зарур.

Бугунги кунда модул таълимига хос **фаолиятли ёндошув тамоили, ўзаро тенглик тамоили, модуллилик тамоили, технологик тамоил** таъсирида таълим жараёнида самарали натижаларга эришишни кафолатловчи изчиллик, тизимлилик, узвийлик, мақсадни аниқ белгиланишига эришиш таъминланади.

Узлуксиз таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самарали кечишида айнан таълим берувчининг салоҳияти, педагогик маҳорати ва компетентлигининг узвий боғланганлиги муҳимдир. Ўқитувчилар педагогик фаолиятининг инновацион йўналганлигини шакллантиришда у ёки бу янгиликларнинг самарадорлигини аниқлаш имконини берадиган бир қатор **мезонлар:** янгилик, оптималлик, юқори натижавийлик ва инновацияларни оммавий тажрибада ижодий қўллаш, замонавийлик, маънавий-эстетик дунёқараш, мустақил эркин ижодий фикр, инновацион креативлик, харакат интенсивлиги, фаол фаолият, ижодий қобилият, субъективлик, вариативлик, эрудициявийлик, акмеологик, рефлексивлик, технологик-психологик, илмий-назарий, касбий, методик етуклик, конструктивлик, ахборот коммуникативлик



ва маданий юксаклик каби мезонлардан самарали фойдаланиш таълим-тарбия жараёнинг сифатини таъминлашга ижобий таъсир этади.

Узлуксиз таълим жараёнлари сифат ва самарадорлигини оширишга йўналтирилган педагогик инновациянинг асосий мезони янгиликдир. Узлуксиз таълим тизимида педагогик инновация мезонларини билиш ўқитувчиларнинг касбий-педагогик ва инновацион маданиятини эгаллаш имкониятларини намоён этади. Ҳатто, Берунийнинг маънавий-маърифий қарашлари билан боғлиқ таълимотида меҳнат, одоб-ахлоқ, таълим-тарбия, касб-хунар, илм-маърифатни боғлиқлиги, узвий муштараклиги таҳлил ва талқин этилади. “Инсон амалий фаолиятининг бирон бир соҳаси уларнинг ўзаро таъсирисиз амалга ошмайди”<sup>3</sup> деб ёзилгани бежиз эмас.

Узлуксиз таълим тизимида таълим олувчиларнинг ижодий интеллектуал қобилиятларини юксалтириш, уларнинг комил шахс бўлиб шаклланишига эришишда **интегратив таълим** муҳитини яратиш муҳим аҳамиятга эга. Бу эса, мустақил фикрли, илмий салоҳиятга эга бўлган ёшларни тарбиялаш учун асосий омилдир. Энг муҳими, ўзлаштириш лозим бўлган маълумотлар сиғимини мукаммал ва тўлиқ англаб етиш мумкин бўлади. Маълумки, таълимда интеграция деганда узлуксиз таълим доирасидаги мазмун тузилмаси боғланишига кўра, теварак-атроф олам тўгрисида бир бутун тасаввурни шакллантириш мақсади тушунилади.

Интеграциялашган таълимнинг мақсади–оламни бир бутун кўришни шакллантиришдир. Интеграцияланган дарсларни режалаштиришда билимлар бирлашади ва дарсларнинг бош мақсади аниқланади. Ўқув материалининг мазмунида интеграциялашган мазмунда **уввий боғланишлар** намоён бўлади. Интеграция таълимнинг тизимлилик тамойилини қўллашга имкон беради,

3. Абу Райхон Беруний. Танланган асарлар 1. Ўзбекистон “Фан” нашриёти, Тошкент..1968.11 бет.



мантиқий фикрлашни ривожлантиради, дунёқарашни кенгайтиради, пухта, фаол ижодий билим олиш имкониятини яратади.

Интеграция бир нечта ўқув предмети материалларини предметлараро боғланишининг энг юқори даражаси, умумметодологик принциплар асосида муаммони мужассамланган ҳолатида ўрганиш йўлидир. Интеграция жараёнлари илм-фаннынг турли соҳаларини ўзаро бланган ҳолда ривожлантириш, билимларни бир тизимга солиш, бир бутун қилиб бирлаштириш, яхлит ҳолга келтириш деганидир.

Узлуксиз таълимда интеграция масалаларини муваффақиятли ҳал этишда куйидаги жиҳатларга жиддий эътибор бериш зарур ҳисобланади.

1. Мамлакатнинг бутун узлуксиз таълим тизимида электрон таълимни йўлга қўйиш ва барча таълим муассасаларининг “Электрон таълим” миллий тизимида уланишини таъминлаш.

2. Фанлар интеграцияси бўйича назарий билим, қўникмаларни ўзлаштириш ва юқори даражада психологик-педагогик ҳамда илмий-методик жиҳатдан тайёргарликни кучайтириш.

3. Фанлар интеграциясини амалга оширишнинг дидактик асосларининг ўзига хос хусусиятларини билиш орқали таълим-тарбия жараёни интеграциясини амалга ошириш.

4. Узлуксиз таълим тизимида фанлар интеграцияси ечимини топишнинг ижодий имкониятларини аниқлаш ва дарс сифатини оширишга хизмат қиладиган интегратив ишланмалар яратиш орқали таълим муассасалари муаммоларини ҳал этиш.

5. Узлуксиз таълим тизимида инновацион-интеграцион фаолиятни яхши йўлга қўйиш, фан, таълим ва ишлаб чиқариш ўртасидаги интеграцияни янада ривожлантириш, мустаҳкамлаш, янги илмий изланишлар йўналишларини белгилаш, амалиётга татбиқ этиш асосида билимларни пухта ўзлаштириш, мантиқий фикрлашга эришиш ва ҳоказо.



Интеграцияланган дарс одатдаги дарслардан ўзининг аниқлиги, ихчамлиги, ўқув фанларининг ҳар тарафлама мантикийлиги, ўқув материалининг кенг қўламли ахборотга эгалиги билан ажралиб туради. Интеграциялашган дарсда фанларнинг алоқадорлиги, ўқув фанлари ўқитувчилирининг дарсдаги фаолияти, хатти-харакати мувофиқлаштирилади ва машғулотлар натижаси аниқланади. Интеграцион таълим ижодий ҳамкорлик муҳитида самарали бўлиб, унда таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи мақсадлар муваффақиятли амалга оширилади. Интеграцион дарснинг ютуқли жиҳати шундаки, таълим олувчилар машғулотларда бир бутун, яхлит тасаввурга эга бўлиб, аниқ билим, кўникма, малакалар йиғиндисини эгаллайдилар ва маънавий юксалиб борадилар. Энг муҳими ҳар бир мавзунинг долзарб жиҳатлари аниқланади. Бу ўринда қизиқарли факт, воқеа, кутилмаган топилма, ихтиро ва янги кашфиётлар, чиройли тажриба, ностандарт ёндашувларга мурожаат этилади.

Бугунги замонавий ўқитувчи ва тарбиячилар узлуксиз таълим тизимида маҳсус педагогик, психологик ва мутахассислик маълумоти ва методик тайёргарлик, шунингдек, юксак ахлоқий фазилатларга эга шахс сифатида намоён бўлиши керак. Улар жамият ижтимоий ҳаётида рўй бераётган ўзгаришлар, олиб борилаётган ижтимоий ислоҳотлар моҳиятини чукур англаб, таълим олувчиларга тўғри, асосли маълумотларни бериб бориши лозим. Шунингдек, илм-фан, техника ва технология янгиликлари ва ютуқларидан хабардор бўлиб, ўз мутахассислиги бўйича чукур ва пухта билимларни эгаллаши, ўз устида тинимсиз ишлиши ва изланиши, таълим-тарбия жараёнида энг самарали шакл, методлардан унумли фойдалана олиши, ижодкор, ташаббускор ва ташкилотчилик қобилияtlарига эга бўлиш шарт. Шутуфайли ҳам юртимизда инновацион ва креатив фикрлайдиган замонавий кадрларни тайёрлаш, ёшларни ватанпарварлик руҳида, юксак маънавият



эгалари этиб тарбиялаш, айни мақсадда таълим тизимини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

**Хулоса** қилиб айтганда, узлуксиз таълим жараёнидаги тамойиллар, мезонлар, интеграция ва узвийлик илмий билимларни ўзлаштиришга нисбатан онгли муносабатни таркиб топтиради. Эътиборли жиҳати шундаки, ташкил этиш, фанлараро алоқадорликда интеграцияга таянган ҳолда тизимли иш кўриш, кўзланган мақсадга эришишнинг кафолатини беради. Таълим жараёнининг интеграциялашуви ёшларнинг маънан соғлом, теран фикр юритувчи, етук, илмий салоҳиятга эга, кенг дунёқарашли инсон сифатида камол топишига ижобий таъсир этади. Шунингдек, интеграциялашган таълим муҳим ижтимоий компетенциялар-зарурӣ ҳаётий кўникмаларни эгаллаш, янги ғояларни яратиш, шахсий имкониятларини рӯёбга чиқариш, соғлом фикр юритиш, муаммоларни ҳал этиш, мослашувчанлик ва толерантлик, ташаббускорлик, етакчилик ва масъулият, тўғрилик ва ижобий хулқни намоён этишни шакллантиришга хизмат қиласи.

Интегратив дарс ўзининг аниқлиги, ихчамлиги, ўқув материалининг зичлиги, мантиқийлиги ва берилаётган ўқув материалининг кенг қамровли ахборотларга эгалиги билан ажralиб туради. Интеграциялашган дарснинг ютукли жиҳатлари шундаки, унда таълим оловчи оламни бир бутун яхлит ҳолда тасаввур этади ва теварак атрофни катта қизиқиш билан ўрганишга киришади. Бунда ўқитувчи инновационфаолиятининг изчиллиги ва узвийлигини ўзлаштириш учун янги педагогик тавсифдаги билимларни доимий тарзда ўзлаштириб бориши ва улар орасидаги мантиқий уйғунликни англаш талаб этилади. Узлуксиз таълим жараёнида ёш авлоднинг тарбияси учун кўз нури, қалб қўри, бутун борлигини баҳш этган ўқитувчилар том маънода фидоий касб эгалари сифатида улкан муваффақиятларга эришиш учун касбий фаолиятини узлуксиз янгилаб, барқарорлаштириш асосида дунё ва



инсон ҳақидаги билимлар тизимини чуқур ўзлаштириб, таълим-тарбия жараёнига татбиқ этадилар.

**Адабиётлар рўйхати:**

1. Ш.М.Мирзиёев “Миллий тараққиёт йўлимини қатъият билан давом этириб, янги босқичга кўтарамиз”. 1-жилд,-Т.: “Ўзбекистон” -2017. 16 бет.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Халқ сўзи 2020 йил 30 декабрь.
3. Абу Райхон Беруний. Танланган асарлар 1. Ўзбекистон “Фан” нашриёти, Тошкент..1968.11 бет.